



«Халол» сўзи арабчада «рухсат этилган» маъноси бор. Истеъмом килиниши жазо берилишига сабаб бўлмайдиган ҳар бир нарса; килиниши шариат манъ этмаган нарсалар халол саналади. Мўмин-мусулмонларнинг нима халолу нима харом эканини билишлари фарздир. Чунки Аллоҳ таоло биз, мўминларга халол, шубҳалардан холи нарсаларни ейишимизни буюрган (Моида, 88). Халол, шубҳалардан холи нарсаларни ейиш (истеъмом килиш) барча яхшиликларнинг асоси ва фарз амалларнинг улуғидир. Халол лукмани халол касб билан, шариат манъ этмаган йўл билан топиш ҳам фарздир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини ривоят этганлар: «Ким қирк кун халол, шубҳадан холи нарсани еса, Аллоҳ таоло унинг калбини нурли қилади ва хикмат чашмаларини унинг калбидан тилига оқизиб қўяди».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) халол касб ҳақида бундай деганлар: «Ким халол касб қилиб, кечкурун чарчаган ҳолда уйкуга кетса, унга жаннат вожиб бўлади.

Аллох таоло ундан рози бўлади».

Ана шуларга кўра, уламолар еб-ичиш ва касб килиш илмини (нималарни еб-ичиш халол, уларни қандай йўл билан топиш халоллигини билиши) ибодат илмидан олдин ўрганиш лозим, дейишган. Зеро, ибодат килишга куч-қувват еб-ичиш орқали пайдо бўлади.

Ейилган таом, кийилган кийим халол бўлмаса ва халол йўллар билан топилмаса, ибодат макбул бўлмайди.

Машхур тобеъинлардан Ибн Сириндан (рахимахуллох) бир киши ибодатларни ва уларни қандай адо этишни сўраганида, Ибн Сирин ундай қандай овқатланишини сўрабдилар. У киши: «Тўйгунимча ейман», дебди. Ибн Сирин унга: «Халигача хайвонлар каби еб-ичасанми?! Бор, аввал еб-ичишни ўрган, сўнг ибодат ва уни адо этишни ўрганасан», деган эканлар.

Мўмин, тоат-ибодатларимга куч бўлсин, деб еб-ичади. Халол еб-ичиш эса қайси йўллар билан топилган мол халол эмаслигини, қайси нарсалар истеъмоли шариатда ман қилганини билишни тақозо этади. Нарса ўзи халол бўлсада, шариат манъ қилган йўллар билан: ўғрилик, босқинчилик, товламачилик, судхўрлик, кимор, порахўрлик, тарозидан уриб қолиш каби йўллар билан топилган бўлса, уни истеъмол қилиш халол бўлмайди.

«Халол» хақида сўз борганида кимлар билан никохланиш халол бўлади, қайси ҳолда халол жуфти ўзига халол бўлмай қолади, деган мисолларни ҳам ўрганиш лозим. Чунки никох, оила масалалари жуда нозик масалалар каторида бўлиб, халоллик чегараси бузилса, унинг сабабидан инсониятга хатар этади. («Ширъатул Ислому»).